

ЎЗБЕКИСТОНДА СОГ'ЛИҚНИ САQLАШ ЗДРАВООХРАНЕНИЕ УЗБЕКИСТАНА



Газета 1995 йил октябрь ойидан чиқа бошлаган

E-mail: uzss@inbox.ru

2006 йил 10-16 октябрь № 41 (505)

Сешанба кунлари чиқади

Анжуман

АТРОФ-МУХИТ ГИГИЕНАСИ — БОШ МАСАЛА САЛОМАТЛИК

Айни пайтда атроф-мухитни тоза сақлаш, унинг гигиеник ҳолатига эътибор бериш ҳар бир мутахассисдан, қолаверса шу Ватанда яшаётган аҳолидан катта масъулиятни талаб қилади. Шу маънода жорий йилнинг 6 октябрь кuni Санитария-гигиена ва касб касалликлари илмий-текшириш институтида «Атроф-мухит ва инсон саломатлиги гигиеник ҳолатининг мониторинги» мавзусида илмий-амалий анжуман бўлиб ўтди.

Анжуман кенгроқ ҳажмда Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги, Ўзбекистон Вврачлар Ассоциациясининг гигиенистлар ва санитария врачлари бўлими ҳамда Санитария-гигиена ва касб касалликлари илмий текшириш

институти билан ҳамжиҳатликда ташкил этилди. Унда давлатимизнинг етакчи гигиенист олимлари ва Ўзбекистон Республикаси Давлат санитария назорати марказларининг вилоят, шаҳар ва туман врачлари иштирок этдилар. Конференцияни ўтказишдан



асосий мақсад, атроф-мухит озодлигини яхшилаш чора-тадбирлари, аҳоли саломатлигига таъсир этувчи физикавий, кимёвий ва биологик омилларни аниқлаш усуллари ва жиҳатларини асослаб бериш, шунингдек, гигиена фанидаги янги ишлаб чиқариш тўғрисидаги маълумотларни алмашишдан иборат.

Тадбирни кириш сўзи билан очган Соғлиқни сақлаш вазирлиги мутасадди раҳбарлари ва Санитария-гигиена ва касб касалликлари илмий текшириш институти директори ҳамда шу ерда

фаолият юритаётган ходимлар анжуман мавзусига тўхталиб, республикамизда амалга оширилаётган санитария ва эпидемиологик назорат, аҳоли орасида тиббий гигиеник муаммолар ва инсон саломатлигини ноҳуш экологик вазиятлардан муҳофазалаш ишларининг қисқа давр ичидаги мониторинги хусусида атрофлича тўхталдилар.

Анжуманнинг иккинчи ярмида иштирокчилар секцияларга бўлиниб, Ўзбекистоннинг турли sanoat тармоқларида ишловчилар соғлигига касбнинг

таъсирий омилни гигиеник жиҳатдан баҳолаш ва касалликнинг олдини олиш чораларини ишлаб чиқиш, қишлоқ ҳўжалиги соҳасида фойдаланиш учун тавсия этилаётган янги пестицидларнинг токсик-гигиеник характеристикасини аниқлаш, Ўзбекистон ҳудудида четдан кириб келаётган озуқа моддаларини назорат қилиш, пахта sanoatида янги жорий этилган технологияларнинг инсон саломатлигига таъсирини ўрганиш, шошилинч тиббий ёрдам муассасаларида тиббий ходимлар меҳнатини гигиеник баҳолаш, меҳнатнинг зарарли шароитларида ишлаётган касбий касалларни меҳнат реабилитация ва даволашдаги янги усулларини ишлаб чиқиш, касаллик тарихини ўрганиш ва ташхис қўйиш каби амалий натижаларга эришиш сингари кўпгина муаммолар бўйича маъруза қилдилар.

Эндиликда кўрсатилган муаммолар бўйича тадқиқотлар «Сув ва ер ресурсларидан самарали фойдаланиш ва экологик хавфсизлик — республика тараққиётининг мустақкам таъмини» ва «Инсон касалликларининг олдини олиш, ташхис қўйиш, даволаш ва реабилитациясининг янги технологияларини ишлаб чиқиш» мавзуларидаги давлат илмий техник дастурлари доирасида амалга оширилади.

Намоз ТОЛИПОВ.



Ҳамкорлик

САМАРАЛИ УЧРАШУВ

Кuni кеча Тошкент тиббиёт академиясининг мажлис залида Тошкент тиббиёт академияси ва Гумбольтнинг Шарите клиникаси (Германия) ўртасида ҳамкорлик алоқаларига бағишланган тадбир бўлиб ўтди. Унда Шарите клиникаси ҳамда Академия мутахассислари ва оммавий ахборот воситалари ходимлари иштирок этди.

Йиғилишни Тошкент тиббиёт академияси ректори Ш. Каримов кириш сўзи билан очиб, Шарите клиникаси ва академия ўртасидаги ҳамкорлик фаолиятлари тўғрисида тўхталиб ўтди. Сўнгра Шарите клиникасидан ташриф буюрган мутахассислар ҳам клиникаларидаги фаолиятлари хусусида ўз фикрларини билдирдилар.

Тошкент тиббиёт академияси 2003 йилдан буён ушбу клиника билан биргаликда ўзаро алоқа ўрнатиб келмоқда. Бундан асосий мақсад, соғлиқни сақлаш соҳасида ўқув ва амалий тажрибаларни алмашиш ҳамда даволаш жараёнида илғор тиббий ташхис услубларини

қўллаш, шунингдек, Тошкент тиббиёт академияси базасида Шарите клиникаси филиалини очишдир.

Шу кунгача бўлиб ўтган му-

зокаралар ва сафарларнинг натижалари шуни кўрсатдики, Тошкент тиббиёт академияси ҳудудида барпо этиладиган ўқув-даволаш филиалининг дастлабки босқичларида фаолият юритишни бошлаган Шарите клиникаси тиббий техника ва жиҳозлар билан таъминлашда, илмий ва амалий томондан қўллаб-қувватлаш ҳамда



акушерлик ва гинекология, ички касалликлар, педиатрия ва бахтсиз ҳодисалар жарроҳлиги йўналишлари бўйича фаолият кўрсатиши назарда тутилган.

Юқоридаги кўрсатилган йўналишлар бўйича ҳамкор клиника

домий маърузалар ва амалий машғулотларни йўлга қўйиш ҳамда Тошкент Тиббиёт академиясидан 3 нафар мутахассиснинг уч йиллик амалиётини Шарите клиникасида ўтказишини ўз зиммасига олади.

Тадбирнинг иккинчи кuni мутахассислар республикамизнинг айрим даволаш-профилактика муассасаларида бўлиб, фаолиятлар билан яқиндан танишдилар.

Ибодат СОАТОВА.
Суратлар муаллифи: Асен НУРАТДИНОВ.

Мавзуни давом эттириб...

Қон — бу тириклик манбаи. Унинг ҳар бир томчисида инсон ҳаёти мужассам. Чунки, инсон танасида қоннинг аҳамияти ва ўрни шунчалик муҳимки, унингсиз ҳатто мавжудлигимизни ҳам тасаввур эта олмаймиз. Шунингдек, қон — бу ҳаракат ва саломатликнинг бир белгисидир. Демакки, вужудимизда оқайтган оби ҳаёт шуниси билан қадрлики, унинг қадрига ҳамма вақт ҳам етавермаймиз. Баъзан бир томчи қонга муҳтож, ҳаёти қил устида турган беморларни кўрганда гоҳо тирикчилигимизнинг ўзи биз учун бойлик эканлигини англаб қоламиз...

Қон хизмати муаммоси. Донорлик каби тушунчаларнинг реал ҳаётимизда бугун сув ва ҳаводек заруратга айланиши мутахассислар қатори ҳар бир фуқарони ташвишга солаётганлиги табиий. Шу маънода ўтган ҳафта бўлиб ўтган «Қон тизими касалликларининг ташхиси ва даволашдаги замонавий ёндашув. Трансфузиологиядаги долзарб муаммолар» халқаро илмий-амалий анжумани ҳам бу каби масалаларга янада ойдинлик киритди ва мутахассисларда янги фикр-мулоҳазаларни уйғотди. Ана шу фикрларни мужассамлаштирган ҳолда йиғилиш қатнашчилари билан мулоқотда бўлиб, уларнинг халқаро анжуман тўрисидаги фикрлари билан қизиқдик.

**КЕЛАЖАКДАГИ ИШЛАРГА ПУХТА ЗАМИН**

Х. КАРИМОВ,
профессор,
Гематология ва қон
қуйиш илмий текшириш
институтининг директори.

— Ҳозирги пайтда гематология ва қон қуйиш тизимида жуда кўп ўзгаришлар юз бермоқда. Айниқса, бу борада янгиликларнинг жорий этилиши, қон тизими диагностикаси бўйича замонавий даволаш усулларининг кириб келиши, жумладан, касаллик олдини олишда ишлатиладиган янги препаратларнинг амалиётда қўлланилиши том маънода тизимдаги ишларнинг самараси юқори бўлаётганлигини кўрсатади. Утказилган ушбу анжуман ҳам ана шу тизим доирасидаги янгиликлар ва ўзгаришларни ўрганишда мутахассисларнинг тажриба қўламини кенгайтириш, бевосита хорижий касбдошларимиз билан фикр алмашиш ва олинган билимларни ижтимоий ҳаётимизда татбиқ этишга қаратилганлиги билан характерлидир. Ҳозирда қон қуйиш тизими масалаларининг яхшилашда Соғлиқни сақлаш вазирлигининг буйруқлари, ҳукуматимиз қарорларининг ишлаб чиқариётганлиги айти мудоа бўлмоқда. Шунингдек, бу соҳа ривожини юксалтиришда замон талаблари даражасида кенг қўлайликлар билан муассасаларни таъминлаш, биринчи гада ўз хоҳиши билан бадалсиз донорлик сафини кенгайтириш, қон ва унинг препаратларини кўпроқ ишлаб чиқариш, энг асосийси қон ҳафсизлигини таъминлашдек катта вазифалар амалдаги режалар асосида бажарилаётган. Жойларда мазкур мавзуга йўналтирилган тадбирлар «Қон инсон хизматида» Халқаро хайрия жамғармаси, Хотин-қизлар қўмитаси ҳамда Камолот ёшлар ижтимоий ҳаракати томонидан донимий равишда ўтказилмоқда. Бундан қўланган асосий мақсад ҳам аввало, фуқароларга қон хизмати ва донорлик тушунчаларини етказиш, уларни бунга даъват этиш, янгиликлар

гиланган режадаги ишлар бошлаб юборилади. Шу ўринда таъкидлаш лозимки, муҳим фаолиятлар вилоятларда олиб борилади. Институтимиз асосий бўян сифатида фаолиятларни ташкил-



лаштиради ва амалга оширилаётган ишларни назорат қилиб боради. Уйлайманки, анжумандан сўнг вилоятларда, шунингдек, барча қон қуйиш марказлари ва станцияларида ишлар кўлами янада кенгайди, аҳолининг саломатлигига эътибори ҳамда беғараз донорликка бўлган хоҳиши ўз-ўзидан ортади.

Академик А. ВОРОБЬЕВ,
генеральный директор
Гематологического Научного
Центра Российской
Академии Наук.

— Вопросы гематологии и трансфузиологии, проблема донорства, лечение и диагностика заболеваний кровяной системы являются одной из самых актуальных задач во всем мире. На сегодняшний день специалисты всех стран объединяют свои силы, знания и мастерство для того, чтобы оградить человечество от этих заболеваний.

Научно-практическая конференция «Современные подходы к диагностике и лечению заболеваний кровяной системы. Ак-

тисте с целью участия на различных форумах, я вновь и вновь убеждаюсь в том, что в системе народного здравоохранения быстрыми темпами происходят прогрессивные изменения. На

примере деятельности Научно-исследовательского института гематологии и переливания крови можно особо отметить, что со стороны правительства республики и Министерства здравоохранения проводится масштабная реорганизация службы крови. Это проявляется как в оснащении института современной аппаратурой, так и в росте знаний и профессионализма кадров, добросовестно выполняющих свою работу.

Научно-исследовательская конференция, проведенная в вашей стране, послужила неким мостом, связывающим и объединяющим всех специалистов. В результате чего, каждый ее участник воспользовался возможностью получить обширные знания, обменяться с коллегами ценным опытом.

От имени всех участников научно-практической конференции хотелось бы поблагодарить организаторов мероприятия, а гостеприимному узбекскому народу пожелать крепкого здоровья и всех благ.

Д. УСМОНОВА,
Фаргона вилояти қон
қуйиш марказининг бош
врачи.

— Мазкур илмий-амалий конференция ниҳоятда баҳс ва мунозарага бой бўлган ҳолда ўтди. Тадбирнинг биринчи кунинда тажрибали мутахассислар томонидан ўқилган маърузалар ўзининг долзарблиги ва олдимизда муаммо бўлиб турган айрим касалликларнинг ташхиси ҳамда даволашдаги замонавий ёндашларига бағишланганлиги фаолиятимизда муҳим ўрин туттишига туртки бўлди, десам янгилимаган бўламан. Шунингдек, анжуманнинг иккинчи куниндаги гематология ва трансфузиология масалаларига бағишланган ишчи гуруҳнинг олиб борган мунозараларида ҳам ушбу йўналишнинг долзарб масалалари кўриб чиқилди.

Бизнинг Фаргона вилоятимизда ҳам бу борада кенг қўламли ишлар амалга оширилмоқда. Жумладан, қон хизмати янги соҳа қилиш ва қўнгилли, яъни бадалсиз донорлар сафини кенгайти-

риш бўйича ҳам тарғибот ишлари олиб борилмоқда. Бундан ташқари, «Саломатлик-2» лойиҳасига кирганлигимиз айти мудоа бўлди. Осиё Тараққиёт Банки томонидан ташриф буюрган мутахассисларнинг таклифи асосида қон қуйиш маркази ва унинг шахобчаларини қайта ташкирланган чикардик. Айти кунларда янги технологиялар келиши кутилмоқда.

Инсон ҳаёти учун зарур бўлган қоннинг нечоғлик муҳим аҳамияти борлигини тушуниб етган ҳар бир мутахассис аҳоли ўртасида тарғибот ва ташвиқот ишларини тўғри олиб бурсалар, донорлар сонининг кўпайишига муваффақ бўламиз. Ана шундай анжуманлар тез-тез ўтказиб турилса, олдимизда турган муаммолар ўз ечимини топиши мумкин.

А. МАХМУДОВА,
заместитель директора по
науке НИИГ и ПК.

— Научно-практическая конференция «Современные подходы к диагностике и лечению заболеваний кровяной системы. Актуальные проблемы трансфузиологии», проведенная 2-3 октября текущего года в городе Ташкенте, стала одним из самых важных мероприятий, направленных на укрепление здоровья населения страны. В ходе двухдневной кон-

ференции участниками были заслушаны поучительные доклады, обсуждались актуальные вопросы гематологии и трансфузиологии, а также гости мероприятия подробно ознакомились с деятельностью учреждений, обеспечивающих безопасность донорства, трансфузии крови и ее компонентов.

Следует особо отметить то, что в Республике Узбекистан совершенствованию системы безопасности крови уделяется особое внимание. По проекту Азиатского банка развития (АБР) для создания Национального центра крови при НИИГ и ПК и областных центров крови выделено более 7 миллионов долларов США и предусмотрено полное их оснащение.

В сохранении здоровья важнейшую роль играют и профессиональные качества медицинского персонала, его умения по оказанию качественной помощи пациенту. Поэтому на сегодняшний день НИИГ и ПК на постоянной основе налажены международные контакты в сфере обучения и стажировки специали-

стов со многими странами мира, как Россия, Англия, Германия, Австрия, Япония и др.

В свою очередь научно-практическая конференция является и обменом опыта специалистов, который немаловажен в медицинской практике.

Б. НОРМУРОВОДОВ,
Новоий вилояти қон қуйиш
станцияси бошлиғи.

— Ушбу илмий-амалий анжумандан жуда катта таассурот олдим. Тинглаган маърузаларимдан ўз йўналишим бўйича назарий фикрларга, оз бўлсада амалий кўникмаларга эга бўлдим. Айниқса, Россия Федерациясидан ташриф буюрган ҳамда ўзбекистонлик мутахассисларнинг долзарб ва замонавий мавзулари гематология ва трансфузиологиядаги муаммоларни ҳал этишга қаратилганлиги анжуманнинг асосий мақсад ва моҳиятини очиб берди.

Дарҳақиқат, республикамизнинг даволаш-профилактика муассасаларида бу йўналиш бўйича амалий ишлар бажарилаётган. Лекин донорлар масаласи анчагина муаммо. Агар донорлар тўғри танланиб, улар ўз вақтида рағбатланти-



риб борилса, халқимизни хавфсиз қон билан таъминлашга эришган бўлардик. Шу билан бир қаторда уларнинг ёрдами билан қон захираларини ҳам бойитишимиз мумкин. Бунинг учун эса замонавий асбоб-ускуналар ва тажрибали мутахассислар зарур. Чунки, хавфсиз қон ва қон компонентларини тайёрлашда уларнинг роли жуда катта.

Донорликнинг ҳеч қандай хавфли томони йўқ. Аксинча, инсон саломатлигига таъсири ижобий бўлади. Бунинг учун эса бу борада тарғибот ишлари тўғри олиб борилса фаолиятдаги муаммолар ечимига имконият туғилади.

Утказилган мазкур тадбирнинг моҳияти шунда бўлдики, ҳар биримизнинг олдимизда турган долзарб масалаларнинг ечимини топиш йўллари кўрилиб, келажакда бажарилиши лозим бўлган ишларга пойдевор ясалди.

(Давоми 3-бетда).



ни амалиётда қўллаш вазифаларини мужассамлаштиради. Одатда бўлиб ўтган ҳар бир тадбирдан сўнг йиғилиш қарорлари ишлаб чиқилади ва шунга асосан муассасаларда бел-

туальные проблемы трансфузиологии», проведенная в Республике Узбекистан, стала очередным уверенным шагом в совершенствовании системы здравоохранения. Регулярно бывая в Узбе-

Мавзуни давом эттириб...

КЕПАЖАКДАГИ ИШЛАРГА ПУХТА ЗАМИН

(Давоми. Боши 2-бетда).

Х. КАЗАКБАЕВА,
заместитель главного
врача НИИГ И и ПК.

— Сегодня, слушая доклады участников конференции, можно прийти к выводу, что обеспечение безопасности донорства, трансфузии крови и ее компонентов это задача, которая должна выполняться не только на региональном, но и на международном уровне. Ведь здоровье человечества это залог завтрашнего благополучия, это безопасность и стабильность во всем мире.

Особо приятно осознавать внимание, трепетное отношение и постоянную поддержку

государства в сфере здравоохранения. Ярким тому примером является приобретение Министерством здравоохранения Республики Узбекистан и передача для использования в НИИГ и ПК уникального диагностического комплекса — прибора для исследования крови методом полимеразно-цепной реакции (ПЦР). Ведь с помощью данного аппарата мы помогаем нашим пациентам излечиться от недуга, вновь подарить им тот бесценный подарок — жизнь.

Да, научно-практическая конференция, ее задачи и результаты обязательно отразятся в совершенствовании системы обеспечения безопасности донорства.


О. МАДАШЕВА,
ассистент кафедры
гематологии
Самаркандского
медицинского института.

— Проведение научно — практической конференции с международным участием «Современные подходы к диагностике и лечению заболеваний кроветворной системы. Актуальные проблемы трансфузиологии» стало важным событием в сфере здравоохранения. Конференция стала не только поучительным мероприятием, но и обменом опыта между специалистами. Ведь постоянное сотрудничество ведет нас к дальнейшему совершенствованию методов профилактики и лечения различных заболеваний. А актуальные по тематике доклады, зачитанные в ходе конференции, станут своеобразной указкой в осуществлении вышеуказанных дел.

Гувохи бўлганингиздек, кон куйиш хизмати доирасидаги янгиликлар, касалликларнинг ташхиси ва даволашдаги замонавий усуллар, шунингдек, трансфузиологиянинг долзарб муаммоларига бағишланган анжуман ва бу ҳақда билдирилган фикр-мулоҳазалар келгуси ишларнинг қай даражада ривож топшини амалда кўрсатади. Бу билан анжумандаги масалалар тўлалигича яқун толгани йўқ. Хали ол-

динда белгилаб қўйилган режалар ва мақсадли лойиҳалар мавжуд. Умид қиламизки, ўтказилган халқаро анжуман юқоридаги вазифаларни янада тезроқ ва самаралироқ яқун топшига имкон яратади.

2-3-саҳифа материалларини
Намоз ТОЛИПОВ ва
Ирода ИЛҲОМОВА тайёрлашди.
Суратлар муаллифи: Асен НУРАТДИНОВ.



Миллий дастур амалда

КЕНГ ИМКОНияТЛАР АСОСИДА

Бугун юртимизда барпо этилаётган янги таълим муассасаларини уларда яратилаётган шароитлар ҳақида тўққизта гапирши мумкин. Шу боис, республика тиббиёт тизимида ҳам кадрлар тайёрлаш масаласига катта эътибор қаратилмоқда. Жумладан, Қора-

қалпоғистон Республикасида Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлигининг 2005 йил 31 октябрдаги 532-сонли буйруғига асосан 2005 йилнинг 1 ноябрида 3-сонли Нукус тиббиёт коллежи бунёд этилиб, фойдаланиш учун топширилганди.

Мазкур ўқув даргоҳида ҳуқуқатимизнинг «Билим тўғрисида»ги Низомини ҳамда «Кадрлар тайёрлаш миллий дастури»ни амалга ошириш мақсадидаги йиллик иш режаси ишлаб чиқилди ва ушбу режа асосида фаолият юритилмоқда.

Айни пайтда 213 нафар талаба «Ҳамширалик иши», «Акушерлик иши» ва «Даволаш иши» йўналиши бўйича таҳсил олмақда. Шунингдек, талабаларга чуқур ва замон талаблари даражасида билим бериш мақсадида 34 нафар тажрибали ўқитувчилар танлов асосида қабул қилинди.

Талабаларнинг чуқур ҳамда теран билим олишлари учун химия, биология, информатика, математика, ўзбек тили ва адабиёти, қорақалпоқ тили ҳамда адабиёти, физика лабораторияси, 2 та лигафон хоналари замонавий асбоб-ускуна ҳамда кўрғазмалар қуроллар билан жиҳозланган. Бундан ташқари, спорт зали, кутубхона, иккита маданий дам олиш зали, 75 ўринга мўлжалланган ва барча қулайликларга эга бўлган ётоқхона ўқувчилар ихтиёрида.

Коллежда аниқ, тиббиёт, жамият ва тиллар кафедралари мавжуд бўлиб, ҳар бир кафедра ўзининг иш режасидан келиб чиқиб, ўқув қўлланма ҳамда дастур асосида

унда ўқитувчиларнинг малакасини ошириш, ўқув-усlubий ҳужжатларни олиб бориш, фан кафедраларида фаолият юритаётган ходимларнинг ишларини янада ривож-



давлат стандартларига тўлиқ жавоб берадиган ҳолда фаолият юритилмоқда. Бундан ташқари, тажрибали устозлар ёш ўқитувчиларга услубий тарзда ёрдам бериб, талабаларга қандай сабоқ бериш кераклигини мунтазам тушунтириб, ҳамкорликда иш олиб бормоқда. Шу билан бирга илм даргоҳида «Ёш ўқитувчилар мактаби» очилган бўлиб,

лантириш масалалари кўзда тутилган.

Коллежда услубий кенгаш тузилган бўлиб, унинг иш режасига мувофиқ очик дарслар, ўқитиш услубларини ўрганиш ва ўзаро тажриба алмашиш каби масалалар назарда тутилган бўлиб, ҳар бир фан кафедрасининг «Очик ҳафталик» ишларини олиб бориш ҳам яхши йўлга



кўйилган. Шу билан бирга, ҳар бир фанга оид маъруза матнлари, мавзулар бўйича услубий қўлланмалар ишлаб чиқилмоқда.

Бугунги кунда химия, рус тили ва адабиёти, инглиз тили, ўзбек тили ва адабиёти ҳамда анатомия фанлари бўйича очик дарс соатлари ўтказилиб, услубий кенгаш томонидан юқори баллар билан баҳоланди.

Айниқса, ўсмирлар ўртасидаги жиноятчилик ва турли зарарли одатларнинг олдини олиш бўйича турли мавзуларда ҳуқуқий-тарбиявий тадбирлар ўтказилмоқда. Шу билан бирга коллежда 18 та фан ҳамда спорт тўғрисида очилган бўлиб, уларда 150 нафардан ортиқ талаба қатнашапти.

Айни кунда ўқув масканида таълим ва тарбия олаётган талабалар учун шундай имкониятлар мавжуд экан, келажақда халқимиз соғлиғи йўлида астойдил меҳнат қила оладиган кадрлар етиштириш чизиғига ишончимиз комил.

Ибодат СОАТОВА.

Соғлигингиз ўз қўлингизда

БРОНХИАЛ АСТМАГА ДАВО БОРМИ?

Эпидермал аллергияларга уй хайвонларининг (ит, мушук, от) юнги ва қазғоғи қиради. Озиқ-овқат маҳсулотлари ҳам кўп ҳолларда бўғилиш хуружининг сабабчиси бўлади. Озиқ-овқат аллергиясига оид маълумотлар бошқа бўлима акс эттирилган. Совуқ ҳаво, вирусли инфекция, ўткир ҳидлар, асабийлашиб ҳолатлари аллергия бўлиб ҳисобланмайди. Бирок бу омиллар ҳам астма хуружини келтириб чиқаради.

Гап шундаки, бронхиал астманинг доимий ҳамроҳи бу нафас йўллари реактивлиги (сезгирлиги)нинг ортиб кетиши, яъни турли таъсирларга бронхларнинг сиқилиши билан жавоб беришга тайёр туриши ҳисобланади. Бронхиал астма билан касалланган беморга кир ювиш кукунидан фойдаланишнинг ўзи астма хуружини келтириб чиқариш учун етарли сабаб бўла олади. Бронхлар реактивлигини пайсатириш учун бронхлардаги аллергия яллиғланиши даволашда ишлатилган дори-моддалардан фойдаланиш зарур.

Аллергияга ва бронхлар сезгирлигига қарши қандай курашиш мумкин?

Биринчи навбатда, аллергиялар миқдори ни камайтириш ёки илжори бўлса умуман аллергияларга дуч келмаслик ҳаракат қилиш керак. Уй шароитида аллергия юзага келишининг олдини олиш учун нималар қилиш керак?

1. Хар қуни намланган латта билан чанглари артиб чиқиш.
2. Уналарни шамоллатиш.
3. Хозира чанг йиғувчи жиҳозлар (юмшук мебеллар, гиламлар, оғир дарпардалар)ни уйдан чиқариб ташлаш.
4. Китоб сақланадиган жовонларни албатта ойна билан ёпиш.
5. Уй ишларини (супуриш-сидириш, чанг артиш) илжори бўлса бемордан бошқа киши бажаргани маъқул, агар бунинг илжори бўлмаса намланган ниқоб билан нафас йўллари тўсган ҳолда бажариш керак. Замонавий кучли чанг ютичилардан фойдаланилса мақсадга мувофиқ бўлади.
6. Уй хайвонларининг юнги, қазғоғига аллергия кузатилган ҳолларда уларни хонадонларда сақлашмаслик тавсия этилади.

Баъзан беморлар «Ит юнгига аллергияси бўлган беморлар уйда мушук сақлашлари мумкинми?» деган савол билан мурожаат қиладилар. Бронхиал астма хуружини келтириб чиқарувчи аллергияларнинг тури вақт ўтиши билан кенгай боради. Масалан: хайвон юнгига аллергияси бўлган беморда вақт ўтиши билан уй чангига нисбатан аллергия пайдо бўлиши мумкин ёки аксинча, уй чангига аллергияси бўлган беморда хайвон жунига нисбатан аллергия юзага келиши мумкин.

Шунинг учун уй чангига ёки уй хайвонларининг бирор турига аллергияси бўлган бемор яшайдиган хонадонда уй хайвонларининг хар қандай турини сақлаш қатъян ман этилади. Хуллас, «аллергенсиз хайвон» бўлмаслигини сиз яхши билишингиз зарур.

Ўсимлик чангларига нисбатан аллергия бўлган ҳолларда, ўсимликларнинг гуллаш муддатини яхши билиб олиш зарур бу шу даврда уларга яқинлашмаслик

қа ҳаракат қилиш керак. Ўрмон ва ўтлоқларга, далаҳовлиларга бормаслик, маълум ойлорда (бахор, куз, ёш) шаҳар тарзида яшаш, илжори бўлса меҳнат таътилига чиқиш, иқлимни ўзгартириш маъқул. Озиқ-овқат маҳсулотларига аллергия кузатилган ҳолларда парҳезга риоя қилиш, ошқозон-ичак тизимини текшириш, дисбактериозни даволаш, шифохона шароитида очлик билан даволаниш тавсия этилади. Астма касаллиги бўлган бемор ҳамма вақт аллергияларни қуршоғида бўлади (масалан: уй чангидан бутунлай қутилишининг илжори йўқ) шунинг учун бемор бронхларини хар доим ҳимоя қилиб туриши зарур. Бунинг учун юқори самарали махсус дори моддалари яратилган бутунлай қутилишининг илжори йўқ яллиғланиши пайсатириб туради, шунинг учун уларни мунтазам қабул қилиб туриш керак. Улар интал, интал плас, тайлед, дитек ва ингалиция ва таблеткалар ҳолида ишлатиладиган глюкокортикоид гормонлар (беклазон-эко, алдешин, целестон, преднизолон) ҳисобланади.

Бу препаратлар тўғрисида биз кўпинча обболарда муфассал тўхталиб ўтамиз. Бронхиал астма даволашда дори моддаларидан ташқари, махсус иммунотерапия ҳам мавжуд. Бу усул беморлар орасида «аллергияга қарши укол» деб ҳам юритилади. Бу усулнинг асл мақсади шундан иборатки, бемор организмга аллергия (масалан ўсимлик чанги) ўсиб борувчи миқдорда киритила боради ва натижада бемор организмда шу аллергияга нисбатан сезгирлик пасади, аллергия тазйирчи чидамлилик ортади, бу билан астма нинг ўсимлик гуллаган пайтдаги хуружининг олдини олиш мумкин.

Бу усул нафақат астмада, балки пичан иситмаси, полинозид ҳам қўлланилади ва жуда самарали воситалардан ҳисобланади. Афсуски, бронхиал астмада махсус иммунотерапия хар доим ҳам муваффақиятли кечавермайди. Бу усулни қўллашда қатъий кўрсатмаларга (аллергиянинг тури, қондаги иммуноглобулин Е нинг миқдори, касаллик босқичи, беморнинг ёши) риоя қилиш зарур. Махсус иммунотерапия усули бронхиал астма билан оғриган беморларнинг ҳаммасига ҳам тўғри келавермайди, уни қўллаш учун охириги хулосани фақат мутахассис аллергиялог бериши мумкин.

ПИКФЛОУМЕТРИЯ НИМА?

Хозирда пикфлоуметр деб юритиладиган бу асбоб дунё бўйича қўлланиб келинмоқда. Хафакон касаллиги билан оғриган беморларга кон босимини ўлчайдиган асбоб (тонометр) қанчалик зарур деб ҳисобланса, бронхиал астма оғриган беморларга пикфлоуметр шунча зарур деб ҳисобланади.

Бу асбоб олиб юриш учун жуда қулай ва энгил бўлиб, беморга ҳеч қандай ноқулайлик тугдирмайди. Беморлар пикфлоуметр нима учун керак бўлишини ва ундан қандай фойдаланиш лозимлигини албатта билишлари зарур.

Астма касаллиги билан оғриган беморларда нафас фаолияти текшириладиганда бошқа кўрсаткичлар билан бир қаторда, беморнинг нафас чиқариш (ўлқадан ҳавони чиқаришининг энг юқори) тезлиги ҳам аниқланади.

Инглиз тилида бу «пикфлоу», яъни «энг юқори оқим» деган маънони англатади. Шунинг учун ҳам бу асбоб пикфлоуметр деб аталади.

Нафас чиқаришининг энг юқори тезлиги кўп омилларга боғлиқ, аммо у асосан бронхларнинг торайиш даражасини кўрсатади.

кўпинча касаллик хуруж қилишдан олдинроқ пайдо бўлади. Бу бемор учун жуда муҳим ҳисобланади. Яъни пикфлоуметр кўрсаткичи пайсатиши билан бемор ахволи оғирлашмай туриб, тегишли чора-тадбирларни кўриш мумкин.

Пикфлоуметрдан қуйидаги мақсадларда фойдаланилади:

1. Ўтказилаётган даво муолажалари самарадорлигини аниқлаш.
2. Бронхлар ҳолатини доимий кузатиб бориш ва улардаги сиқилишни (яъни касаллик хуружи юзага келишини) ўз вақтида пайқаш.
3. Касаллиқнинг кечилишига тазйир кўрсатувчи омилларни аниқлаш.

Энди бу омилларни бирма-бир кўриб чиқамиз

1. Ўтказилаётган даво муолажалари самарадорлигини аниқлаш.

Айтилик, сизга дори модда белгиланган, сиз мунтазам равишда (уйда ёки касалхонада) пикфлоуметр ёрдамида нафас чиқаришининг энг катта тезлигини ўлчаб, унинг қандай ўзгаришини кузатиб борасиз. Агар бу кўрсаткич кундан-кунга ўсиб борса, демак ўтказилаётган даво муолажаси тўғри олиб бориляпти (хатто сиз буни ҳис қилмасангиз ҳам). Агар кўрсаткич ўзгаришсиз қолса, бу даво муолажалари билан келаракли самарага эришиб бўлмайди, демак даво усулини ўзгартириш лозим.

Бу яқуний хулоса шифокор томонидан берилиши керак, аммо бемор ҳам албатта пикфлоуметр кўрсаткичларининг ўзгаришлари бўйича иш юритиши лозим.

2. Бронхлар ҳолатини доимий кузатиб бориш ва улардаги сиқилишни (яъни касаллик хуружи юзага келишини) ўз вақтида пайқаш.

Пикфлоуметрнинг мунтазам қўллаш натижасида шифокорнингиз ва сиз қандай кўрсаткич сиз учун энг яхши кўрсаткич эканлигини билиб оласиз.

Бундан ташқари, қайси кўрсаткичларда даво усулини ўзгартириш, қайси пайтда дарҳол тиббий ёрдамга мурожаат қилиш кераклигини аниқлаб оласиз.

Яна бир бор шунини таъкидлаш лозимки, нафас чиқариш тезлигининг пайсатиши субъектив ҳис қилишдан олдин юзага келади, пикфлоуметр касаллиқнинг илк босқичларида сизда касаллик хуружи юзага келмаганини кўрсатади.

3. Касаллиқнинг кечилишига тазйир кўрсатувчи омилларни аниқлаш.

Астма билан касалланган кўпинча беморлар билишадикки, хатто ўзини яхши ҳис қилиб юрган пайтларда ҳам нафас олиш ва чиқаришда бирчунан ўзгаришлар бўлади, бунинг юзага келиш сабабларини баъзан аниқлаб бўлмайди.

Аксарият беморлар ўзларидаги бўғилиш хуружининг нимадан кейин пайдо бўлганини (нима сабабдан пайдо бўлганини) айтиб бера олмайди.

Хатто шифокорлар ҳам айрим ҳолларда бунга жавоб топиши мушкул.

Пикфлоуметр ёрдамида хар соатда ёки хар қуни нафас функциясини кузатиш орқалигина (бир вақтнинг ўзида қандай шароитда бўлганингиз, қандай дори модда қабул қилаётганингиз, қандай овқатлар истеъмол қилаётганингиз) ни назорат қила бориб сиз ўзингиз, хатто шифокорингиз аниқлай олманган сабабларни билиб олишингиз мумкин.

Айтилик, сиз ишхонада кун давомида пикфлоуметр кўрсаткичи ўсиб бораётганини аниқладингиз. Шифокорингиз билан албатта маслаҳатлашган – уйингизда аллергия борми-йўқми. Сизга таъ-

сир қилаётган аллергия уй чанги, мушук юнги ёки аквариумдаги балиқларнинг озиғи ва ҳоказо бўлиши мумкин.

Ёки бунинг тескариси. Масалан сиз иш жойингизга бордингиз ва шу пайтдан бошлаб пикфлоуметр кўрсаткичи пасаё бошлади. Бундай ҳолат сизга таъсир қилаётган аллергия иш жойингизда мавжудлигини кўрсатади.

Сиз бош оғриғига қарши аналгин таблеткасини қабул қилдингиз, шундан сўнг пикфлоуметр кўрсаткичи кескин пасаёиб кетди, демак сизга бу дори ни ичиш мумкин эмас.

Ёки пикфлоуметр кўрсаткичи маълум овқатни еганингиздан кейин пасаёиди. Сизда озиқ-овқат аллергияси йўқми, шу ҳақда ҳам ўйлаб кўришга тўғри келади ва ҳоказо. Пикфлоуметрға қўшимча равишда бир кунда ва бир ҳафта давомида бўладиган ўзгаришларни қайд этиб бориш учун кундалик ҳам илова қилинган. Бир кунлик кундалик нафас чиқариш тезлигини хар икки соатда ўлчаш орқали, бир ҳафталик кундалик эса ҳафта давомида хар қуни икки-уч марта ўлчаш орқали тўлдирилади.

Касаллик кечилишига таъсир кўрсатувчи сабабларни яхшироқ билиш учун аниқ бир вақт оралиғидаги ўзгаришларни доимий равишда ўлчаб бориш керак.

Кейинчалик пикфлоуметрдан нафас функциясини вақти-вақти билан назорат қилиб бориш учун ҳамда нафас оғирлашган ҳолларда ўлчаб туриш учун фойдаланилади.

Пикфлоуметр билан бирга ундан қандай фойдаланиш қоидалари кўрсатилган қўлланма ҳам илова қилинади. Турли хилдаги пикфлоуметрлар мавжуд, бироқ уларни ишлатиш тартиби бир хил. Пикфлоуметр ёрдамида нафас тезлиги ўлчанганда тез, тўлик ва кескин нафас чиқариш керак (пуфлаш керак). Пикфлоуметр стрелкаси кўрсатган рақам қайд этилади. Нафас чиқариш тезлигини тик турган ҳолда, айрим ҳолларда ўтирган ҳолда ўлчаш мумкин. Кетма-кет уч марта ўлчанади ва энг яхши (юқори) кўрсаткич кундаликка ёзилади. Бу бўлимини тугаллар эканми, пикфлоуметрдан фойдаланиш муҳим ва зарурлигини яна бир бор таъкидлаб ўтамиз.

НАФАС СИҚИШИ (БРОНХОСПАЗМ)НИ ҚАНДАЙ ЙЎҚОТИШ МУМКИН?

Бронхиал астма билан касалланган юрган хар бир бемор нафас сиқилиш хуружини ёки нафас оғирлашувчи бронхларни кенгайтирувчи дори моддалари ёрдамида тўхтатиш мумкинлигини билади. Кўп беморлар бу дори моддаларни уларнинг таъсир механизмининг билмаган ҳолда қўллайдилар. Бироқ улардан тўғри фойдаланиш учун буни албатта билиш зарур. Аэрозоль ҳолидаги дори моддалардан иборат кичик ингальторларни ҳамма яхши билади. Бу ингальторларда бронхларни кенгайтирувчи ёки яллиғланишга қарши таъсир кўрсатувчи дори моддалари бўлади.

Инсон организмиде махсус бозлар, буйрак усти безлари мавжуд бўлиб, улар адреналин деб аталадиган моддаларни ишлаб чиқаради. У энг кучли бронх кенгайтирувчи восита ҳисобланади. Хатто хозирги пайтда ҳам баъзи шифокорлар махсус кўрсатма бўйича бронхиал астма хуружи пайтда адреналинни қўллайдилар.

Бу препаратни қабул қилган беморларга маълумки, адреналин инъекциясидан кейин юрак тез уриб кетади, кучли қўзғалиш, баъзан кон босимининг кўтарилиши кузатилади.

Бундан ташқари астмада қўлланадиган эуспинлар ва новодрин препаратлари ҳам юракнинг тез уриб кетиши, титраш, қалтираш, баъзан бош оғриғига сабаб бўлади. Бунга сабаб шуки, бу препаратлар бронх рецепторлари бета-2-адренорецепторлар билан бир вақтда юрак рецепторларига ҳам (бета-1-адренорецепторларга) таъсир кўрсатади. Юрак рецепторлари ҳам бронх рецепторлари каби адреналин таъсирига сезувчандир. Рецепторлар мурраккаб моддалар бўлиб, улар хужайра юзасида жойлашган.

Улар турли таъсирларга биринчи бўлиб жавоб бериб, келаракли маълумоти хужайраларга етказиб беради.

Юрак ва бронх адренорецепторларига бир вақтда таъсир кўрсатилиши қуйидаги клиник белгиларнинг юзага келишига сабаб бўлади: бронхлар кегайиши ва нафаснинг энгиллашиши билан бир вақтда юракнинг тез уриб кетиши, ички титроқ, қалтираш, кон босимининг кўтарилиши ва бошқа нохуш сезгирлик пайдо бўлади. Шунинг учун юрак кон-томир касаллиқларига чалинган беморга бундай дори моддани қабул қилиш ман этилади.

Шу сабабли кўпроқ бронх рецепторларига танлаб таъсир кўрсатувчи препаратлар яратилди. Бундай препаратлардан бири кўпчилик яхши биладиган алулент препарати бўлиб, уни қўллаганда юрак кон-томир тизимиде пайдо бўладиган нохуш белгилар новодрин препаратини қўллагандагидан анча камроқ.

Хозирги пайтда энг кен тарқалган бронх кенгайтирувчи препарат бу сальбутамол (вентолин, асталин, саломол-эко сальто) ва фенотерол (беректо) ҳисобланади.

Бу препарат фақат бронх рецепторларига танлаб таъсир кўрсатади.

Айрим ҳолларда беротек қўлланганда титраш пайдо бўлади, бироқ уларнинг бронх кенгайтирувчи таъсири кўпроқ бўлиб, бунга сабаб беротек препаратининг битта ингальциядаги миқдори сальбутамолнинг битта ингальциясидаги миқдоридан икки марта кўплигидир. Дорихоналарда бу препарат турли номлар билан сотилади, шунинг учун препаратнинг халқаро номини шифокордан сўраб олиш зарур.

Бронх кенгайтирувчи препаратларни қўллашнинг энг қулай йўли бу ингальция усули ҳисобланади. Бундай усул қўлланганда дори модда дарҳол бронхга тушади ва бошқа аъзоларга камроқ, бронхга эса тез таъсир кўрсатади. Бундан ташқари, аэрозоль ингальторлардан фойдаланиш жуда қулай бўлиб, чўнтақда ёки сумкада олиб юриш мумкин.

Дори моддасининг самарадорлигини унинг бемор томонидан қанчалик тўғри қўлланишига ҳам боғлиқлигини унутмаслик лозим.

Аэрозоль ингальторлар ҳам мавжуд. У мундштук ва ичиде дори модда сақловчи баллончадан иборат.

Фотима Йўлдошева,
тиббийёт фанлари номзоди.
Жамшид НАЗАРОВ,
шифокор-аллерголог.

(Давоми бор).

ҲАФТА ЯНГИЛИКЛАРИ

Самарқанд вилояти

ХАЛҚАРО АНЖУМАН

Яқинда вилоят ёшлар марказида "Анестезия адекватлиги ва интензив терапияда замонавий технологияларнинг қўлланилиши" мавзусида халқаро илмий-амалий конференция бўлиб ўтди.

Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги, Анестезиология ва реаниматологлар ассоциацияси, Самарқанд Давлат тиббиёт институти ҳамда Тошкент врачлар малакасини ошириш институти ҳамкорлигида уюштирилган ушбу анжуман уч кун давом этди. Шунингдек, мазкур

йиғилишда АҚШ, Германия, Бельгия, Норвегия, Россия, Франция ва Тожикистон каби давлатлардан 260 нафар тиббиёт олимлари ва тажрибали мутахассислар иштирок этиб, соҳадаги долзарб муаммолар, оғриқсиз даволаш усуллари ҳақида мазруза қилиб, ўзаро тажриба алмашди.

МУРУВВАТ КЎРСАТИЛДИ

Кам таъминланган оилаларнинг кўчқорли фарзандлари ва ногирон болаларни моддий қўллаб-қувватлаш мақсадида, республика "Меҳр ва мурувват" жамғармаси Самарқанд вилояти филиали ташаббуси билан шаҳар маиший хизмат касб-хунар коллежида тахсил олаётган 180 нафар ўқувчи иштирокида тадбир уюштирилди.

Тадбир сўнггида ушбу ўқувчиларга 1800 минг сўмлик моддий ёрдам кўрсатилди.

ИБРАТЛИ АНЪАНА

Самарқанд шаҳридаги вилоят травматология-ортопедия шифохонаси ўн беш ёшга тўлди. 275 ўринли ушбу даво масканида 10 та бўлим ва бўлинмалар бўлиб, уларда 42 нафар шифохор ва 164 нафар хамшира фаолият кўрсатмоқда.

Бу ерда беморлар учун қулай шарт-шароитлар яратилиши билан бирга, энг замонавий тиббий асбоб-ускуналар ўрнатилган. Шунингдек, Сама-

рқанд тиббиёт институтининг юзлаб талабалари ўқув амалиётларини мазкур муассасада ўтаб, билим ва тажрибаларини янада оширишмоқда.

ТАРИХ КЎЗГУСИДА

Самарқандлик олим, профессор Ахтам Уролов тадқиқотларига кўра, қадим шаҳарда 1066 йилда илк шифохона – дорил шафқа қурилган экан. У ўша даврдаги Риводо, ҳозирда эса Регистон майдонига яқин Сўзангарон кўчасида бунёд этилган бўлиб, тарихий маълумотларга қараганда бу ерда малакали табиблар, кичик тиббий ходим, кон олувчи, ошпаз, имом, ховли ободончилигига масъул богбон ва хатто гўрқовлар ҳам ишлаган экан.

Шифо масканида ётиб даволанадиган беморлардан ташқари, қатнаб дори-дармон олувчилар учун «Нимақ бемористон» ҳужралари, дорихона ҳам фаолият кўрсатган. У XIII асрда Чингизхон истилоси пайтида яқсон этилиб, фаолияти тўхтатилган.

ШИФО МАСКАНИДАГИ МАКТАБ

Маълумки, сил касаллиги билан оғриган бемор болалар камида 2-3 ой сурункали даволанишларига тўғри келади.

Шундай вазиятда мактабдаги дарслари қолиб кетиши табиий. Шу боис, Самарқанддаги вилоят сил касаллигига қарши курашиш шифохонаси қошида мактаб ташкил этилди. Ҳозирги кунда у ерда 100 нафарга яқин ўғил-қиз давлат таълим стандартлари асосида тахсил олмақда. Мактабда бемор болалар учун барча шарт-шароит яратилган, яъни синфхоналар ёруғ ва шинаям, за-

рур жиҳозлар билан таъминланган, дарсликлар эса мактаб томонидан ажратилган. Ўқувчилар шифохонанинг биринчи қаватида даво муолажаларини олсалар, иккинчи қаватида таълим олишади. Шифо-ўқув масканида ёшларга чўқур билим берилиши билан бирга, улар қобилиятини рўёбга чиқариш учун турли мавзуларда маданий-маърифий тадбирлар ҳам ўтказиб турилибди.

КИМЁ – ТИВБИЁТНИНГ ЎЗАГИ

Самарқанд таянч тиббиёт коллежи кимё фани ўқитувчиси Умар Хайдаровнинг шiori шундай. Шу боис, малакали педагог машғулотларда янги ва самарали усулларни қўллаб, яхши натижаларга эришмоқда.

Яқинда у вилоят ўрта махсус касб-хунар таълими бошқармаси ташаббуси билан ўтказилган «Иждоҳор ўқитувчи» кўрик-танловига қатнашиб, ўзи ихтиро қилган «Кимёвий тренажёр»ни амалий жараёнда намойиш этиб, голиб бўлди.

– Ушбу тренажёр ёрдамида дарс ўтиш, ўқитувчи учун ҳам, ўқувчи учун ҳам жуда қулай, – дейди Умар Хайдаров сўхбат чоғида.

Ҳамза ШУКУРОВ,
жамоатчи мухбир.

Ўтган ҳафта Тошкент шаҳрининг Юнусобод туманидаги 17-сонли шифохонада Тошкент шаҳар соғлиқни сақлаш ходимлари касаб ва уюшма кенгашининг Меҳнат Кодекси бўйича семинар бўлиб ўтди. Тадбирда Тошкент шаҳридаги тиббиёт тизимида фаолият олиб бораётган касаб ва уюшма ва кадрлар бўлими ходимлари иштирок этишди.

Семинарни Тошкент шаҳар соғлиқни сақлаш ходимлари касаб ва уюшмаси кенгашининг ташкилий бўлим мудир Г. Тўлаганова кириш сўзи билан очиб, бугунги кунда касаб ва уюшма ва кадрлар бўлими томонидан амалга оширилаётган ишлар ва уларга юкланган масъулиятлар ҳамда меҳнат қонунчилигини тўғри қўллаш ҳақида қисқача тўхталиб ўтди.

Сўнгра Тошкент шаҳар касаб ва уюшмалари ташкилотлари бирлашмаси кенгашининг ҳуқуқшуноси Л. Ҳасанова сўзга чиқиб, Меҳнат Кодексининг янги тушунчалари, шунингдек, Меҳнат Кодексининг 9-моддасида касаб ва уюшмаси учун юкланган масъулият, 74-моддасида эса кадрлар бўлимининг нималарга эътибор бериши лозимлиги хусусида сўз юритди.

МУҲИМ ҲУЖЖАТЛАР ТЎҒРИСИДА



Семинар давомида ҳар бир муассасага ташриф буюрган текширувчилар учун кўрсатилган ҳужжатлар тўғрисида ҳам фикр-мулоҳазалар билдирилди.

